

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Қ.Бозоров</b>	
Андижоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар .....	81
<b>У.Усаров</b>	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
<b>Б.Шодмонов</b>	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари.....	90

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Ақбаров</b>	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
<b>Г.Қосимова</b>	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли .....	102
<b>Б.Абдурахмонова</b>	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш .....	105
<b>В.Қаюмов, Б.Дехқонов</b>	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
<b>О.Солиева</b>	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм) .....	114

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни .....	119
<b>З.Алимова</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.Ахмедова</b>	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари .....	128
<b>М.Шокирова, Н.Абдуллаева</b>	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
<b>У.Ҳайдарова</b>	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти .....	136

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала .....	140
<b>В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова</b>	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиagonal матрицавий элементлари ҳақида .....	143
<b>Х.Муйдинов</b>	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши .....	147
<b>Б.Усманов, Ш.Умурзакова</b>	
Буғдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари .....	150
<b>Ф.Юлдашев, Д.Обидова</b>	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари .....	153
<b>А.Мамаджанов</b>	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси .....	156
<b>М.Шамсиева</b>	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида .....	159

УДК: 8 (09)+004.13

## ОҒАҲИЙНИНГ “УСТИНА” ҒАЗАЛИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

## РАБОТА НАД ТЕКСТОМ ГАЗЕЛИ “УСТИНА” ОҒАҲИ

## WORK AT THE GAZELLE “USTINA” В ОГАҲИ

Б.Абдурахмонова

**Аннотация**

Мақолада мумтоз матнни шарҳлаб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари борасида сўз юритилган. Бу масала Огаҳийнинг мактаб дарслигидан ўрин олган “Устина” радифли ғазалини ўқитишнинг инновацион усуллари орқали ёритиб берилган.

**Аннотация**

В данной статье рассматриваются особенности обучения с комментариями классического текста. Эта проблема освещена на примере инновационных методов изучения эпифорной газели “Устина” Огахи из школьного учебника.

**Annotation**

This article discusses the features of the explanation and interpretation of the classical text. This problem is illustrated in an innovative way of learning epiphorous verses, for example, “Ustina” by Ogahiy, included in the school textbook.

**Таянч сўз ва иборалар:** мумтоз матн, шарҳлаб ўқитиш, инновацион усул, Огаҳий ғазали.

**Ключевые слова и выражения:** классический текст, обучение с комментариями, инновационный метод, газель Огахи.

**Keywords and expressions:** classical text, teaching with comments, innovative method, Ogahiy's verses.

9-синф учун чиқарилган адабиёт дарслигида Огаҳийнинг муҳаббат мавзусига бағишланган ғазаллари ҳам ўрин олган. Шоирнинг бундай ғазаллари фақат унинг ижодигина эмас, умуман ўзбек поэзияси тарихий тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Методист олим Қозоқбой Йўлдошев айтганидек: “... ўқитувчи масала моҳиятини тушунтиришда, албатта, ўқувчилар ёшини назардан қочирмайди, мулоҳазалар юритишда миллий одоб меъёрларига амал қилади, ўн беш-ўн олти ёшдаги ўқувчилар қалбида бу даврда рўй беражак руҳий ҳолатлар, туйғулардаги беқиёс янгиланишларни инобатга олади. Асосий эътиборни асардаги мазмунга эмас, поэтик гўзалликка, шоир маҳоратига қаратади”[2]. “Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина” сингари ишқий шеърлар таҳлили мисолида Огаҳийнинг бадий санъатларни қўллашдаги юксак маҳорати очиб берилади. “Бўрттириш”, “катталаштириш” маъносини англлатувчи муболаға, “чоғиштириш, қиёслаш, таққослаш” маъносини англлатувчи ташбеҳ, “билиб билмасликка олиш” маъносини англлатувчи тажохули орифона, “бир-бирига зид қўйиш” маъносини билдирувчи тазод,

сўзлаши мумкин бўлмаган нарсаларни, масалан, дарахтни, қушни гапиртириш маъносидаги интоқ ва бошқа санъатларини ўқитувчи аниқ шеърий мисралар асосида кўрсатади. Шу ва бошқа санъатларни шеърдан ўқувчиларнинг ўзлари топишларига имкониятлар яратади.

Огаҳий ғазалчилигида ташбеҳ, талмеҳ, тақрир шеърий санъати алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ғазал таҳлилига киришишдан олдин бу тасвир воситалари тўғрисидаги назарий маълумотни эслатиш мақсадга мувофиқдир. Ташбеҳ ва тақрир ҳақидаги назарий маълумотни ўқувчилар бешинчи синфда олганликлари боис ўқитувчи болалардаги адабий-назарий тушунчалар борасидаги билимларига таянади.

Дарсни бошлаш аввалида ўқитувчи Огаҳийнинг “Устина” ғазалини машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ижросидаги қўшиқни синфда эшиттиришни ташкил этиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Қўшиқ тинглангач, ўқитувчи дарсни ўқувчилар машғулот давомида фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлар ҳақидаги маълумотларни тушунтиришдан бошлайди:

1-имконият. Тестларга жавоб бериш.

2-имконият .Қўшимча маълумотлар.

Б. Абдурахмонова – ҚДПИ, доцент.

3-имконият .Ғазал вазнини аниқлаш.

4-имконият . Ғазалнинг қофия, радифини кўрсатиш.

5-имконият. Ғазалда қўлланилган шеърини санъатларга мисоллар келтириш.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг олдинги дарсда олган билимларини синаб текшириб кўриш учун “Сонлар тилга кирганда” инновацион усулини қўллади.[3] Мазкур технология шартига кўра, ўрганилаётган ижодкор ҳаёти ва ижодига оид муҳим саналар ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. Жумладан, қуйидаги рақамлар видеопроектор орқали намойиш этилади.

1. 1809-йил 17-декабр....

2. 1839-йил....

3. 1845-йил...

4. 1857-йил...

5. 1846-йил...

6. 1862-1863-йил....

Ўқувчилар “Сонлар тилга кирганда” технологияси шартини қуйидагича бажаришлари мумкин.

1. 1809-йил 17-декабр Огаҳийнинг туғилган йили.

2. 1839-йил Мунис бошлаган "Фирдавс ул иқбол" асарини давом эттирди.

3. 1845-йили шоир отдан йиқилиб, оёғи синди.

4.1857-йили Огаҳий мироблиқдан истеъфога чиқди.

5. 1846-йил "Зубдат ут таворих" асарини ёзди.

6. 1862-1863-йиллар Огаҳий Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарини иккинчи бор таржима қилди.

Дарс давомида “Ноодатий тест” ёки “Тескари тест” усулини қўллаш ҳам яхши самара беради. Мазкур инновацион усулни қўллаш технологиясига кўра жавоб вариант ўқитувчи томонидан ўқувчиларга

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун "нас" келтирур "нун" элтибон "сод" устина.  
Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлғонини пайванд шамшод устина.  
Ноз-у адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.  
Ман хастаға жон асрамоқ эмди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.  
Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шом-у саҳар,  
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.  
Бошимға ёққан ғам тоши мингдин бирича бўлмағай,  
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.  
Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямон-у яхшини

тарқатилади. Саволни ўқувчиларнинг ўзлари тузадилар. Бундай тест топшириқлари ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. Масалан, қуйидаги жумлалар ёзилган А-4 ҳажмли қоғозга ёзилган жавобларни синф тахтасига илиб қўйиши ҳам мумкин.

1-тест: А. Огаҳий. В. Мунис. С. Фурқат.

2-тест : А."Ошиқлар тумори". В."Ошиқлар дўсти".С. "Ошиқлар мактуби".

3-тест: А А.Навоий. В. Ҳ. Деҳлавий. С. Огаҳий.

Ўқувчиларнинг жавоблари тахминан қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарини илк бор таржима қилган ижодкор ким?

2. Қуйидаги девонлардан Огаҳийга тегишлисини топинг.

3. Огаҳий Зайниддин Восифийнинг "Бадое ул-вақое" асарини таржима қилиш орқали қайси давр шоирларининг ижодини ўрганишни кўзда тутган?

Ўқувчилар топшириқни бажаришда юқоридаги каби саволларни тузиш орқали ўйлашга, изланишга одатланадилар. Вазифани тўғри ва аниқ бажарган ўқувчиларнинг баҳолаш карточкасига 1-имкониятдан олган баллари (5 балл) ёзиб қўйилади.

Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди билан танишиб чиқилгандан сўнг, ўқитувчи томонидан шоирнинг "Устина" ғазали матнини ўқишга киришишдан аввал ўқувчилар диққати дарсга жалб қилинади. Аввал ўзи ғазални ифодали ўқиб беради, сўнгра синфдаги нутқи равон ўқувчилардан бирига ҳам ўқитади. Адабиётшунос олим Б.Тўхлиев айтганидек, ғазал таҳлили ва уни ифодали ўқиш ўқитувчининг шахсий намунасидан бошлангани маъқул [4].

Ким, меҳр нури тенг тушар вайрон-у обод устина.  
 Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
 Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.  
 Не журъат ила Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,  
 Юз ҳайли ғам қилмиш ҳужм ул зор-у ношод устина. [5]

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ғазални ёд олганлигини текшириш учун "Ҳарфи жам" технологиясидан ҳам фойдаланади. Бунда ўқувчиларга қуйидаги тарқатмалар берилади, тарқатмада ғазалдаги сўзларнинг бош ҳарфлари берилган бўлиб, ўқувчилар товушларни ўз ўрнига қўйиб сўзларни топишлари ва ғазал байтларини асл ҳолига келтиришлари керак бўлади.

М.... қ.... ҳ.... у.... ч.... ж.... у....

Қ.... у.... н.... к.... н.... с.... у....

Қ.... т.... қ.... з.... б.... о....

Г.... к.... г.... б.... п.... ш.... у....

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
 Қатлим учун "нас" келтирур "нун" элтибон "сод" устина.

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,

Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

#### **Думалоқ стол ўйини**

Ўқувчилар беш кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ аъзолари стол атрофига айлана шаклида ўтиради, бунда ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа берилади. Гуруҳ ўқувчиларига ишлар тақсимланади. Масалан, биринчи гуруҳ ўқувчилари ғазални ифодали ўқиб беради, иккинчи гуруҳ ўқувчилари эса ғазалдаги нотаниш сўзлар билан ишласа, учинчи гуруҳ ўқувчилари ҳамкорликда ғазалнинг насрий баёнини амалга оширади, тўртинчи гуруҳ ўқувчилари ғазал байтларидаги бадий санъатларини топса, яна бир гуруҳнинг ўқувчилари ғазалнинг вазнини аниқлаши керак бўлади.

Бу усул орқали синфдаги барча ўқувчилар билан ғазал матни устида ишлашга эришилади. Гуруҳлар ўз ишларини намойиш этгандан сўнг ўқитувчи ғазал таҳлилини слайд орқали намойиш этади, гуруҳлар ўз ишларига ўзлари баҳо берадилар.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ғазални ифодали ўқишлари назоратга олинади. Иккинчи гуруҳ проектор орқали ўзлари тузган тушунлиши қийин сўзларни ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган шакли билан текшириб чиқадилар. Тушунлиши бир оз қийин бўлган сўзлар проектор орқали кўрсатилади. Мушк-қора, чашм-кўз, нас-буйруқ, шамшод-тик ўсадиган дарахт, ораз-юз, душвор-қийин, бод-шамол каби сўзларнинг маъноларини тушуниб етадилар. Ўқувчилар топшириқни қай даражада тўғри бажарганликларини

билиб олиш имконига эга бўлиб, ўз-ўзини баҳолайдилар. Учинчи гуруҳ жавоблари ҳам шу тарзда амалга оширилади. Ўқувчилар оқсаган ўринларда ўқитувчи кўмак беради. Ғазал байтма-байт шарҳланади ҳамда насрий баёни амалга оширилади. Гуруҳ аъзоларидан бири қуйидаги фикрларни айтиши мумкин:

Биринчи байтда маъшуканинг қоши ва кўзи васф этилган. "Мушкин қош", "жаллод кўз" атрофида ҳайъат аъзоларидек саф тортган. Бу, анъанавий тасвир, бироқ Огаҳийнинг ижодий кашфиёти шундаки, қош ва кўз ошиқ қатли учун ҳукм чиқаради. Қош "нун", кўз эса "сод" ҳарфига таққосланиши ҳам анъанавий, улар иттифоқини ифодалаш учун "нун", элтибон "сод" устина остин-устин жойлаштирилади ва бу ҳамжиҳатликдан "нас" сўзи вужудга келади. Араб тилидаги "нас" қатл учун чиқарилган ҳукм баён этилган хатни билдиради.

Иккинчи байтда: Агар шамшоднинг устига гул пайванд бўлганида кўрмаган бўлсанг, бу мўъжизани табиатдан излаб ўтирмай ёрнинг зебо қоматига янада гўзаллик бахш этган гулгун юзини тамошо қил, деган хулоса чиқади.

Учинчи ва тўртинчи байтда лирик қаҳрамон аҳволининг оғир эканлигини айтиб, бир кишига шунчалик ҳам зулм қилиш мумкинми? деб ўз аҳволини тасвирлашда муболаға санъатини қўллади.

Етти, саккизинчи байтларда шоир лирик чекиниш қилади. Огаҳий давр ҳукмдорига мурожаат қилади. Офтоб ўз нурини вайрона

ва обод ерларга тенг сочишини мисол қилиб, шоҳни адолатга чақиради ва меҳр-муруббат кўрсатганда ёмон-у яхшига тенг муносабатда бўлишга чорлайди. Ҳазал шоир аҳволи руҳияти изоҳлари билан тугайди.

Ҳазал матни устида ишлаш мобайнида ўқувчилар жаллод, "сод", шамшод, одамизод, бедод, фарёд, Фарҳод, обод, бод, ношод каби сўзларни ўзаро қофиядош бўлиб келаётганлигини айтадилар ҳамда «устина»

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун "нас" келтирур "нун" элтибон "сод" устина.

Бу байтда "нун" ва "сод" ҳарфларининг араб алифбосидаги шаклига ишора қилиш орқали шоир томонидан китобат санъатининг гўзал намунаси яратилган, деб жавоб беради.

Иккинчи ўқувчи:

Ноз-у адов-у ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Бу байтда ташхис санъати қўлланган. Инсоннинг ўзидаги ҳолат, хислат ва фазилатлар ҳам ташхис учун асос бўлиши мумкинлигини ёки қуйидаги байтда:

Бошимга ёққан ғам тоши мингдин бирича бўлмағай,  
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Фарҳод ва Бесутун номларини қўллаш билан Огаҳий талмеҳ санъатини қўллаганлигини айтишади. Агар тақдир Фарҳоднинг бошига мингта Бесутун тоғини ёғдирса-да, ошиқнинг бошига тушаётган ғамнинг мингдан бирича ҳам бўлолмаслигини мисол тариқасида кўрсатиб, муболаға санъатини вужудга келтирган, деб сўзини якунлайди.

Учинчи ўқувчи томонидан:

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.

Бу байтда Сулаймон тахтининг шамол тезлигидан-да учқур эканлигини мисол келтириш билан тамсил ва талмеҳ бадиий тасвир воситалари яратилганлиги изоҳланади. Дарслиқдаги ғазал байтларининг таҳлили муносабати билан ташбеҳ бадиий воситаси эслатилади. Ўқитувчи бу тасвир воситаси ҳақида тушунча бериб, ўқувчиларнинг луғат дафтарига ёздириб қўйиши ўринли бўлади. "Ташбеҳ. Ухшатиш. Қиёслаш. Бу бадиий санъат орқали шоир сифати ва бирор хусусияти билан ўхшаш икки ёки ундан ортиқ нарса ва ҳодисаларни қиёслайди. У ўхшаган нарса, ўхшатиш нарса, ўхшатиш воситаси ва ўхшатиш сабаблари иштирокида яратилади". [6,53]

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шом-у сахар,

Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина. Бу байтда ташбеҳ санъати қўлланилганлигини ўқувчилар осон топадилар. Яъни, ёрнинг қўйида ошиқ булбул каби нола чекаётганлиги тасвирланганлигини тез англаб оладилар. Кейинги байтдаги тазод ҳам ўзига хосдир:

Эй шоҳ, қарам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини,  
Ким меҳри нур тенг тушар вайрону обод устина .

Ўқувчилар бу байтдан яхши ва ёмон, обод ҳамда вайрон сўзларини тазодга мисол бўлишини айтадилар.

Ҳазал вазнини аниқлашда ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам беради.

Муш-кин қо-ши-/нинг ҳайъ-а-ти/ ул чаш-ми жал-/лод ус- ти-на  
Қат-лим у-чун/"на-с" кел-ти-рур/ "нун" эл-ти-бон/"со-д" ус-ти-на.

Ҳазал афоилини чизганимизда -v- мустафъилун рукнида эканлиги аниқланади. Маълумки, бу рукн такроридан ражаз баҳри ясалади. Мустафъилун рукни мисрада, тўрт байтда саккиз марта такрорлангани учун солим эканлиги тушунтирилади. Ўқитувчи бу маълумотларни ёздириб қўйса яхши бўлади.

**“Академик мунозара” усули қўлланилганда** ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ ўқувчилари ғазалнинг ишқий мавзуда ёзилганлигини изоҳлашлари, иккинчи

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

гуруҳ аъзолари эса ғазалда ижтимоий масала ҳам кўтарилганлигини ўз сўзлари билан айтиб беришлари керак бўлади. Шу тарзда иккала гуруҳ аъзолари мунозарага киришадилар.

Ғазалнинг еттинчи ва саккизинчи байтларида шоир ошиқона дил изҳоридан чекиниб, ижтимоий мавзуга ўтади:

Эй шах, карам айлар чоғи тенг тут ямон-у яхшини,  
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрон-у обод устина.  
Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.

Бу ўринда шоҳга мурожаат Огаҳийнинг давр ҳукмдорига қарата айтилганлигини ўқувчилар англаб етадилар. Таҳлил шу тарзда давом эттирилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни баҳолаш карточкаси асосида берилган имкониятлардан келиб чиқиб, тўплаган балларига қараб баҳолайди.

**Уйга вазифа сифатида** Огаҳийнинг "Наврўз" ғазалини ёд олиб келиш топширилади.

Агар мазкур шеър ҳар томонлама мукамал таҳлил қилинса, 45 дақиқалик машғулот камлик қилиши мумкин. Шеър нафосати очилиши учун таҳлилда ҳар бир мисра, жумла, керакли ўринларда ҳар бир сўз шарҳланиши, уларнинг матнда бажараётган бадий-эстетик вазифаси изоҳланиши лозим.

**Адабиётлар:**

1. Ҳамидов Зиёдулла. Навоий бадий санъатлари. –Т., 2001 .
2. Yoldoshev Q., Qodirov V., Yoldoshibekov J. Adabiy saboqlar -9. –Т.: “Yangi yo'l polygraph service”, 2006.
3. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси: амалий ва лаборатория машғулоти. –Т.: “BAYOZ”. 2012
4. Yoldoshev Q va boshqalar. 9-sinf darsligi. –Т., 2014
5. Аҳмедова Ҳ. Интерфаол усуллар. –Т., 2017

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)